

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУНИС ЧАМАНИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУНИС ЧАМАНИ

*Мунис Хоразмий таваллудининг 230 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2008

78.342
М 87

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	А.Ибрагимова
Мухаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Мунис чамани: Мунис Хоразмий таваллудининг 230 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи А.Ибрагимова; Мухаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-28 б.

КБК 78.342+ 83.3 (5 Ў)

Ушбу методик-библиографик қўлланма XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Хоразмда яшаб ижод этган тарихнавис олим, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар шоир Мунис Хоразмийнинг 230 йиллиги муносабати билан тузилди. Қўлланмада Мунис Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар берилган, шунингдек кутубхоналар, АКМ ва АРМларда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.**

КИРИШ

Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад, адабий таҳаллуси Мунис Хоразмий XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Хоразмда яшаб ижод этган шоир, тарихнавис олим, таржимон, хаттот ва маърифатпарвардир.

Мунис Хоразмий маърифатпарвар шоир сифатида ўз замонаси савиясидан юқори турган кишидир.

Мунис ўзбек адабиётининг тараққиётида ва Ўзбекистон халқлари тарихини ёритишда унинг хизматлари ниҳоятда катта. У мустазод, мусаддас, туюқ, қасида, қитъа, муаммо, таркиббанд ва тарих каби жанрларда ҳам жуда кўп бадий ва ғоявий баркамол асарлар яратган.

У ўзбек адабиётида Навоий анъаналарини ижодий давом эттирган катта истеъдод эгасидир. Мунис ўзбек тилида ажойиб адабий ва тарихий асарлар яратди ва форс тилидаги кўпгина тарихий ва адабий асарларни бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима этишда ташаббус кўрсатган ва хуснихат мактабини яратган олимдир. У “Мунисул-ушшоқ” девони, маърифий-тарбиявий “Саводи-таълим” рисоласи, “Фирдавс-ул-икбол” салномаси ҳамда ўзбек тилига ўгирган “Равзат-ус-сафо” (Мирхонд) асари билан ўзбек халқи маданияти тарихи хазинасига муносиб ҳисса қўшди.

Шермуҳаммад Мунис томонидан юксак маҳорат билан ёзилган тарихий асарлар ўз мазмуни, келтирилган маълумотларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги билан алоҳида ўринни эгаллайди.

У маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди, халқни онгли билимли бўлишга даъват этди. Мунис Хоразмий тарихшунос сифатида 1806 йилдан бошлаб Хива хонлиги тарихига оид “Фирдавс ул-икбол” (“Бахт боғи”) номли тарихий асар ҳам ёза бошлади. Бу асарнинг 1812 йилгача бўлган қисмини Мунис Хоразмий ёзиб, 1812 йилдан кейинги воқеаларни Мунис Хоразмийнинг жияни Муҳаммад Ризо Огаҳий давом эттиради.

Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, ва Муҳаммад Юсуф Баёний каби тарихчилар бир-бирларининг ишини давом

этириб, Хива хонлиги худудида XVII аср иккинчи ярмидан то XX аср бошларигача рўй берган тарихий воқеаларни ўз ичига олувчи “Риёз-уд давла”, “Зубдатут таворих”, “Жомиъл воқеоти султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол” асарларини ёзиб қолдирганлар.

Бу асарларда XVII-XIX асрлар тарихи, айниқса Хоразмда Қўнғирот сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейинги давр тарихи жуда муфассал баён этилади.

Мунис томонидан ёзилган Хива тарихига оид манбалар, шубҳасиз, алоҳида ўрин эгаллайди.

Мунис асарлари билан танишган рус шарқшуноси академик В.В.Бартольд: “Муниснинг муфассал хроникалари Хоразмнинг охириги уч аср тарихига оид маълумотларимизнинг асоси сифатида кўп замонларгача сақланиб қолса керак”, – деб, бу асарларнинг илмий қийматига юксак баҳо берган эди.

Мунис XIX аср Хоразм адабий муҳитида раҳнамо ижодкор сифатида фаолият кўрсатди. У гарчи қисқа умр кўрган бўлса-да, катта адабий меррос қолдирди. Огаҳий, Комил, Аваз, Табибий, Баёний каби ўнлаб шоирлар Мунис изидан бордилар ва йирик санъаткор сифатида танилдилар.

Мунис ғазалиётининг ғоявий мазмуни ҳамда поэтик хусусиятларини атрофлича чуқур ўрганиш шоир меросининг замонавий аҳамиятини белгилайди, янги жамият кураётган навқирон авлоднинг маънавий оламини бойитади. Умуман олганда унинг асарлари ўзбек халқи маданияти тарихини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

2008 йилда мутафаккир Мунис Хоразмий таваллудига 230 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайдилар, унинг асарлари жаҳон ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Мунис Хоразмий ижодини тарғиб қилиш лозим.

Кутубхоналар ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Республика маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун” хотин-қизлар қўмиталари билан

ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Мунис Хоразмий ҳаёти ва фаолияти (1778-1829)

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис 1778 йили Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида Мироб оиласида дунёга келди. Мунис унинг адабий таҳаллуси бўлиб, луғавий маъноси “улфат”, “ҳамдам”, “дўст” демакдир. У дастлабки маълумотни туғилган қишлоғида олган, кейинчалик Хива мадрасаларида ўқишни давом эттирган. Мунис мадраса таълимидан сўнг мустақил ўқишга берилди, тез фурсатда араб, форс тилларини билиб олиб, Шарқ мумтоз адабиётини изчил ўрганишга киришди. Низомийдан тортиб, то ўзи яшаган даврга қадар ўтган сўз санъаткорларининг ижоди билан танишиб чиқди. Ёш Муниснинг илм олиш йўлидаги бундай жиддий кадамлари, шубҳасиз, унинг келгусида буюк талант эгаси бўлиб чиқишидан дарак берар эди. 1800 йилда отаси вафот этгач, Аваз Муҳаммад Иноқ Мунисни саройнинг фармоннавис котиби қилиб тайинлаган. Мунис замонасининг машҳур олим, шоир ва санъаткорлари билан яқин алоқада бўлиб, билими, салоҳияти ва куч-қувватини шеърятга, илм-фан ва маърифатга бағишлаган.

У 1804 йилда биринчи шеърлар девони – “Девони Мунис”ни яратган.

1806 йилда Элтузархон Мунисга Хива хонлиги ҳақида китоб ёзишни топширган. Мунис ўз асарини Шерғозихон давригача ёзиб етказганда, Элтузархон ҳалок бўлади. Ундан сўнг давлат тепасига унинг биродари Муҳаммад Раҳимхон I келади.

Муҳаммад Раҳимхон I Мунисга ўз асарини давом эттиришни буюради. Мунис асарни давом эттираркан, Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг еттинчи йилида содир бўлган воқеаларни ёзиб тамомлаганда, хон 1819 йили Мунисга Мирхонднинг машҳур “Равзат ус-сафо” номли тарихий асарини ўзбек тилига таржима қилиб, иккинчисини давом эттираётганида Муҳаммад Раҳимхон I вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Оллоҳқулихон

келади. Бу ҳам Мунисга таржимани давом эттиришни буюради. Бироқ Мунис иккинчи китобни охирига етказолмай, 1829 йили вафот этади. Оллоҳқулихон (1825-1842) тахтга ўтиргандан кейин, 1839-1840 йили Муниснинг шогирди ва унинг тарбиясини олган Огаҳийни чақириб, 1813 йил воқеаларини баён этиши билан узилиб қолган “Фирдавс ул-иқбол” асарини давом эттиришни буюради. Огаҳий 1813 йилдан бошлаб Хоразмда содир бўлган воқеаларни ёза бошлайди.

“Фирдавс ул-иқбол” узоқ даврни қамраб олган бўлиб, Марказий Осиё, айниқса, Хива хонлиги тарихини ўрганишда қимматли манбадир. Асарда Хоразмнинг қадимий даври билан бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 йилгача бўлган сиёсий тарихи баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва шунингдек, Хива хонларининг туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида давлат ҳокимиятининг марказлашуви билан Хива хонлигида ирригация қурилишига янада эътибор кучаяди. “Фирдавс ул-иқбол” асарида қайд қилинишича хонликда янги ерларни ўзлаштириш муносабати билан 1808-1815 йилларда Қиличчиёзбой, 1838-1839 йилларда Тошсоқа каналлари қурилган.

Олим ўз асарини Шарқ тарихчиларининг анъанасига мувофиқ ҳамда ва наът бўлимлар билан бошлаган. Сўнгра ўз ҳаёти ва асарининг ёзилиши ҳақида қисқача маълумот бериб, Хоразм тарихини ёзган.

Асар муқаддима, беш боб ва хотимадан иборат.

I бобда Одам Атодан то Нух пайғамбар авлодигача бўлган ҳодисалар баён этилган.

II бобда Ёфасдан Қўнғирот шўъбасигача бўлган Мўғул ҳукмдорлари даври хусусида фикр юритилган.

III бобда Курлос авлодига мансуб подшоҳлар даврида содир бўлган воқеалар тўғрисида ёзилган.

IV бобда Элтузорхоннинг ота-боболари ҳаёти тасвирланган.

V бобда Элтузорхон туғилишидан бу асарнинг ёзилиб тамом бўлишига қадар содир бўлган воқеалар хусусида қалам тебратилган.

Хотима эса олимлар, авлиёлар, амирлар, беклар, шоирлар, ҳунармандлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

“Фирдавс ул-икбол” ҳақида Н.Н.Муравьев А.Вамбери, А.И.Бутаков, В.В.Бартольд, М.Йўлдошев ва Қ.Муниров каби кўпгина шарқшунос ва тарихчилар асарларида қимматли фикрлар бор.

“Фирдавс ул-икбол” асари асосида иш тутган ҳар қандай тадқиқотчи унда келтирилган ҳар бир факт, воқеага танқидий муносабатда бўлиб, унда тўғри фойдаланиши лозим. Бундан ташқари асар ўша замон адабий-маданий муҳитини ўрганишда ҳам маълум даражада аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тарихий асарга ўзбек насрининг ўзига хос намунаси деб ҳам қараш мумкин. Чунки унда шеърӣ парчалар турли ривоятлар халқ мақоллари тез-тез учраб туради. Юқорида номлари тилга олинган олимлар “Фирдавс ул-икбол”нинг факатгина тарихий моҳиятига катта эътибор берганлар. Улар Мунисга асосан ўзлари кизиктирган масала нуқтаи назаридан ёндашиб, факатгина тарихчи сифатида қарайдилар.

Муниснинг “Фирдавс ул-икбол” каби тарихий-жуғрофӣ, илмӣ асарлари даврга доир сиёсий лексика ва илмӣ атамашунослик билан танишишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Мунис ҳаётининг кейинги тўрт йили Муҳаммад Раҳимхоннинг катта ўғли – Оллоқулихон (1825-1842) ҳукмронлиги даврида ўтди. Шоир унга ҳам бағишлаб қатор қасида мадҳия шеърлар ёзиб уни мамлакатни обод, эл-юртни осойишта тутишга кўпроқ эътибор беришга чорлайди. У ўзига қадар ўзбек ва форс-тожик адабиётида яратилган лирик мероснинг ажойиб намуналари билан яқиндан танишади, улардан чексиз баҳраманд бўлади. Шоир ўзининг шеъриятида кенг шуҳрат топишга асосий боис шарқ мумтоз адабиётининг энг порлоқ юлдузлари: улуғ озарбайжон шоири Низомӣ, Жомӣ, Хусрав Деҳлавӣ, Фирдавсий, Анварӣ, Бедил

ижодларини чуқур ўрганиб, улардан чексиз баҳраманд бўлиши туфайли эканлигини ўз ғазалларида ғурур билан баён этади. Айниқса, буюк Навоий ижодидан жуда кўп нарсалар ўрганганини таъкидлаб, уни ўзига ҳомий деб билади:

Қилса ҳосид дахли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳий ҳомийдур манга

Мунис ижоди билан танишиб чиққанда юқорида номлари тилга олинган улўғ сўз санъаткорларининг маълум даражада, яъни асарларининг тематикаси, образлар системаси, фикрни баён этиш монераси, кайфиятини акс эттириш ҳолатлари каби моментларида таъсирлари бўлганлигини кўриш ва ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Булардан ташқари у Фузулий ва Андалибларни ўзига устоз деб билади. Бироқ у ҳаммадан ҳам кўпроқ Навоийни ўзига яқин тутди. Чунки Навоий асарларида олға сурилган инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳаққонийлик, мардлик, тўғрилиқ, маърифатпарварлик каби масалалар Мунис ижодининг ҳам асосини ташкил этади.

Шоирнинг 19 та мухаммасидан 10 таси Навоий ғазалларига боғланган бу эса Муниснинг Навоийга хурмати катта бўлганлигини кўрсатади.

Муниснинг Навоийга бағишлаган мухаммаслари анчагина муваффақиятли чиққан. Чунончи:

Бўлуб Мунис муяссар ёр ила бир ерда ўлтурмок,
Навозишлар кўриб кўруб, комин топиб ҳар лаҳза афсунроқ,
Ичиб соғар аёкига тушуб ул навъким туфроқ,
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Бандлардаги Мунисга тегишли мисраларда портретга хос хусусиятлар, ҳодиса, воқеалар тафсилоти берилса Навоий мисралари ўша тафсилот тасвирларни яқунловчи, хотима сифатида келади. Булар Муниснинг мухаммас боғлашда анча моҳир шоир бўлганлигидан далолат беради. Муниснинг бошқа шоирлар ғазалларига боғлаган мухаммаслари ҳам бор, бироқ улардан мисол келтириб унинг мухаммас боғлашдаги маҳоратини баён этишга зарурият йўқ, чунки Навоий ва Фузулийга боғлаган мухаммасларининг ўзиданок унинг бу соҳада ҳам ютуқлари катталиги кўриниб турибди.

Мунис Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, “Ҳолати Саййид Ҳасан Ардашер” асарларини китобат қилган (1794, 1797). Айниқса “Мезон ул-авзон”ни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларни тузатиб, саводли кўчирган. Бу унинг арзу илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради.

Шуни айтиш керакки, Мунис мухаммас боғлаш учун мавзу танлаганда, у аниқ мақсадни кўзда тутди. У дастлаб гуманист ва илмор ғояли шоирларга мурожаат қилади, ҳамда улар ижодидан ўзининг дунёқарашига мос келадиган, ҳаёт, жамият ҳақидаги қараш ва фикрларини кенгайтиришга ёрдам берадиган ғазалларни танлаб олади. Уларда олға сурилган фикр ва ғояларни чуқурлаштириш, кенгайтиришга ҳаракат қилади.

XIX аср 40-50 йилларда Кўҳна Урганч атрофига сув чиқариш мақсадида Шомурод, Сипойи ёп, Қорақалпоқ ёрган каналлари қурилиб ишга туширилган.

Мунис ўз давридаги суғориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир “Арналар” (арна-анҳор, канал) номли рисола ҳам ёзган.

Хуллас давлат ҳокимиятининг марказлашуви, деҳқончилик ва ирригацияга алоҳида эътибор берилиши мамлакатда ҳамиша фаровонлик, иқтисодий ва маданий юксалишнинг энг муҳим омили бўлиб келган.

Қалбида хат-савод ўрганиш, билимдон киши бўлиб етишиш истаги туғён урган Шермуҳаммад Мунис илмда камолотга эришгач, таълим ишини осонлаштиришга қатъият билан киришади ва бу борада кўп изланади. Ёшларга ўзи таълим бера бошлайди. У мураббийлик қилар экан, таълим усуллариغا ижодий ёндошади, ўз таъбири билан айтганда, “...билганча суруб қаламни ҳар ён, таълим ишин айлар эрди осон”. Лекин Мунис бу билан қаноатлана олмайди, олижаноб орзулари навқирон қаламкашни ҳуснихат таълимига оид бир рисола яратилишига илҳомлантиради:

Айтар сано ангоки хома,
Чекти чу битарга турфа нома,
Лавози азал узра қилди марҳум
Ижод аро ҳар не эрди маълум
Ҳам ёзди вужуд ила одамни

Ҳам айлади сабт беш камни
Ейди етти чархни вароқсон
Анжум била айлади зарафшон.

“Саводи таълим” асари ана шу тарзда вужудга келади.

“Саводнинг бешиги – алифбе” деганларидек, Мунис ҳам таълимдаги муваффақиятларнинг гарови савод эканлигини тушунган ва шунинг учун “улуши арқом” – ёзув илмини яратишга бел боғлаган.

Бу асар назм билан ёзилган бўлиб, бунда чиройли хат ёзиш усуллари ўргатилади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб биринчи қисмида хат машқ қилишга тайёргарлик ва бу иш учун керакли асбоблар тўғрисида сўз юритилади. Иккинчи қисмида эса хат машқи ва унинг усули ҳақида амалий йўл билан таълим берилади.

Шоир рисолаининг бош қисмида кишилик жамиятида ёзувнинг катта аҳамиятга эга эканини қайд қилади:

Сўз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хазонаси ҳам.
Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд.

Гарчи бу асар асос эътибори билан хаттотлик илмига оид бўлсада, унда Муниснинг устод Ибн Ҳожиб ҳақида, ёзувнинг маданият тараққиётидаги ўрни, хусусан, ҳуснихат таълими ва, умуман, таълим-тарбия тўғрисидаги қимматли фикрлари мавжуд.

Шарқда, анъанага кўра, шоир ва олимлар қандай мавзуда асар ёзишмасинлар, гапни тангрига ҳамд, пайғамбарга наът, ҳукмдорга мадҳ, салафлари, устозларига тавсифдан бошлайдилар. Мунис ҳам “Саводи таълим”нинг дастлабки қисмида ҳуснихат илмининг устози мадҳига тўхталади ҳамда, унинг фазилатлари ҳақида меҳр билан сўзлайди. Устозини машҳур араб тилшуноси ва араб хатининг қошифларидан бири Ибн Ҳожибга ўхшатиб таърифлайди:

Ҳар илмда жомиул-фазойил,
Ҳар ҳукмда воқифул-масойил
Илм ичра одили Ибн-Ҳожиб,
Илм аҳлига эҳтироми вожиб.

Кўп ўринларда Мунис савод таълими ҳақида рисола яратган устозларининг фикрларига муносабат билдиради, улар билан мубоҳаса юритади ва мулоҳазаларини дадил баён этади.

Мунис ўз асарини ниҳоясига етказар экан, ундан илм толиблари баҳраманд бўлишларини орзу қилади. Бу эзгу орзунинг амалга ошганлиги “Саводи таълим”нинг ўзбек хаттотлиги тарихида муҳим воқеа бўлганлиги, бу асардан кўплаб талабалар фойдаланииб, етук хаттот бўлиб етишганликлари билан изоҳланади.

Асар бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Унинг араб алифбесига оид амалий қисми ҳали ҳам эски ўзбек тили ва ҳуснихатини ўрганувчилар, шарқшунослар учун қимматли қўлланма вазифасини ўтай олади. “Саводи таълим” назмий жозибадорлиги ҳамда тасвирдаги образлилиги билан ўқувчига эстетик завқ бахш этади.

Мунис шеърятини кузатганимизда, шоир вазн танлаш борасида юксак бадиий дид эгаси бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу фикримизнинг исботини “Саводи таълим” мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Саводи таълим” арузнинг ҳазаж баҳри тармоғидаги “ҳазаж мусаддаси аҳраби мақбузи маҳзуб” вазнида ёзилган:

Мафъулу мафоилун фаулун
Мафъулу мафоилун фаулун

Манзумани яратиш жараёнида шоир сўз ва ҳарфларнинг ёзилиш шаклидан мароқли манзаралар ижод этади, сўз ўйинлари, муболаға, жазод, ташбеҳ, тарсеъ каби бадиий усул ва воситаларни қўллайди. Мазкур асарни чинакам илмий-маърифий манзума ва юксак шеърый маҳорат маҳсули сифатида ўрганиш муҳимдир.

Мунис Хоразмийнинг “Саводи таълим” асари тарихий ва илмий жиҳатдан зўр аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Унинг поэзияси эса ўзбек адабиёти тарихининг ажойиб ва қимматбаҳо дурдоналаридандир.

У 1813 йилда барча шеърларини тўплаб “Мунис ул-ушшоқ” деб номланган девон тузди. “Мунис ул ушшоқ (“Ошиқлар дўсти”) девони ғазал, мухаммас, қасида, рубоий, қитъалардан иборат бўлиб, 20.000 дан зиёд мисра ва 8500 байтга яқин поэтик

асардан иборат. Бу девоннинг турли даврларда турли хаттотлар томонидан кўчирилган 1880 йилда Хива тошбосмасида нашр этилган. Мунис қўлёзмаларининг асосий кўпчилик қисми Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзма асарлар фондида Мунис девонларининг бир неча қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Улардан 1330-рақамли қўлёзма Мунис 27 ёшга кирган вақтда 1804-1805 йили шоир таржимаи ҳолидан кўчирилган. Девон охирида қуйидаги тўртлик келтирилган:

Мунисо, тўкмай йигирма етти ёш,
Ваҳ, йигирма етти узра етти ёш.
Ёш каби машғуллик қилмоқ недур,
Ҳар қачонким суҳбатингга етти ёш.

Шоирнинг бу девонида унинг ғазаллари, мухаммаслари, мусаддаслари, рубоийлари ва бошқалар ўрин олган.

Шоир гўзаллик ва муҳаббатни қуйлаган бўлса-да, унинг ғазалларида ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳам ўз ифодасини топган. Ўзидан илгари яшаган шоир ва тарихчиларнинг асарларини иштиёқ билан ўрганди. Бу ҳол Муниснинг қуйидаги шеърида яққол кўзга ташланади:

Волийи мулки тариқат гар
Низомийдур манга,
Манзили маънига Хизри раҳ
Жомийдур манга.
Хотиримға Хисравийдин ҳар
замон шўре етиб,
Банда давроннинг бари ширин
каломидур манга.
Ҳофизи Шероз, Лутфийдин тараққийлар топиб,
Жилвагоҳ ақли тасаввуфнинг макомидур манга.

Бу ғазалда келтирилган маълумотдан Муниснинг қатор Шарқ мумтоз шоирларининг ижодидан баҳраманд бўлганлиги кўриниб турибди. Мунис ёшлигиданоқ шеър ёзиш билан машғул бўлган ва ўзидан илгари ўтган тарихчиларнинг асарларини зўр ҳавас билан ўрганган. У илғор ғояли шоирларга мурожаат қилади ҳамда улар ижодидан ўзининг дунёқарашига мос келадиган, ҳаёт, жамият ҳақидаги қараш ва фикрларини кенгайтиришга ёрдам берадиган ғазалларни танлаб олади.

Уларда олға сурилган фикр ва ғояларни чуқурлаштириш, кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Мунис 1829 йилда Хуросондан (хоннинг ҳарбий юришидан) қайтишда вабо касалига учраб йўлда вафот этади. Қиётда ўз отасининг қабри ёнига дафн этилган.

Мунис Хоразмий ўзбек адабиётининг тараққиёти йўлида ўттиз йилдан ортиқ хизмат қилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири бўлган Муниснинг адабий меросини ҳар томонлама ўрганиш адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Шоир ўз асарларида илм-маърифат ғояларини тарғиб қилиб, илм-ҳунар аҳлини зўр самимият билан эъзозлади. У ўзининг маърифий-дидактик таълимотида кишиларни, шу жумладан, ёшларни ҳам ростгўйлик, мардлик, халққа виждонан хизмат қилмоқ, дўстлик, вафо ва садоқат руҳида тарбиялаш ғоясини илгари сурди.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки Мунис Хоразмий муаррих сифатида ўзининг “Фирдавс ул-иқбол” тарихий асарини ёзди, шоир сифатида девон тузди. Таржимон сифатида тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилди, педагог сифатида “Саводи таълим” номли рисола ёзди.

У гарчи узоқ умр кўрмаган бўлса-да, устоз шоир даражасигача кўтарила олди. Буни унинг ўзи яхши пайқаганлиги туфайли фахрланиб дейди:

Муниски, сўз иқлими анга бўлди мусаххар,
Суртарлар анинг хоки раҳиға шуаро кўз.

Назм аро, Мунис, тўкар қилким балоғат шаккарин,
Ким шакар лаблар қилурлар орзу бу шаккарим.

Мунис чиндан ҳам Хоразмда, шу билан бирга ўша давр ўзбек адабиётида, йирик шоирлардан бири эди.

Шоир яратган образлар

Мунис лирикасида ишқ-муҳаббат билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қараш ва кечинмалар асосан ошиқ ва маъшуқа образлари орқали ифодаланади. Бу образлар ошиқнинг шу билан бирга, шоирнинг ишқу муҳаббат масаласига муносабати ва унинг севги билан боғлиқ бўлган турли кечинмалари: висол, ҳижрон, фироқ, рашк, ачиниш, юпатиш ва ҳоказолар тусидаги туйғуларни ифодалаш асосида кўринади.

Унинг лирикасида тасвирланган ошиқ образи дунёдаги барча лаззатни, ҳаётни, инсон гўзаллиги ва ўз ёрини севган, бу севгига бутун борлиги билан берилган, нозик юрак тўлқинларини чуқур сезадиган жонли инсон образидир. Унинг ўз маъшуқасига бўлган муҳаббати ғоятда самимий ва чексиз. У маъшуқани ҳар доим, ҳар лаҳзада сабрсизлик билан кутади. Маъшуқанинг кўриниши, келиши унга олам-олам қувонч бахш этади. Шоир маъшуқани “кўнгил мулкининг султони” деб атайди:

Қилмиш эрди ҳажр Мунис кўнглини вайрон яна
Айлади обод ўз мулкини ул султон келиб.

Шоир лирикасида тасвирланган маъшуқа (ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, шоир кўпинча унинг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор беради, ички дунёсини эса баъзи бир ҳаракатлари, имо-ишоралари орқали очишга интилади.

Мунис лирикасида тасвирланган маъшуқа ҳамиша жабру жафо қилувчи, ситамгар бўлмай, у самимий дўстликни тушунадиган, бу дўстликни кадрлай оладиган бўлиб, дўст тутинмоқчи бўлган кишисини аввал синаб, унинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилгач, сўнгра уни чексиз ҳурмат қилади:

Гарчи авваллар ниёзимни кўруб ноз этди дўст,
Лек ҳоло дўстлиғ ойинини соз этди дўст.

Ҳажр саҳросида зору бекас эрдим, шукрим,
Раҳши алтофин менинг сори сабукбор этти дўст

Мунис лирикасидаги бош қахрамон вазмин, сабр-тоқатли, андишали, ҳар қандай вазиятда ўзини тута оладиган,

Ўз сирларини пинҳон сақлаш қобилиятига эга бўлган ошиқ образида кўпроқ ўз ифодасини топган. Бу нарсга айниқса, “айларам” радифли ғазалда юксак бадиий маҳорат билан тасвирланади:

Гуллари дўзах ўтидек жону кўнглумни ёқар,
Ҳар қачонким сенсизин сайри гулистон айларам.

Гарчи эрмас келмагинг, мушкин менинг сори, ва лек
Кўнглум ўйига тахайюл бирла меҳмон айларам.

Сақланурмен сиррим эл фаҳм этмасун деб, Мунисо,
Йўкса бир оҳимда кўкни ерга яксон айларам.

Мунис ўзини ишқ-муҳаббат соҳасида эл аро машҳур бўлган Фарҳод, Мажнун ва Вомиқларга ўхшатади.

Ошиқ – шоир Фарҳод ва Мажнунга зўр ҳурмат билан қараб уларни ўзига устоз, ўзини эса уларнинг изидан борган шогирд деб билади. Бироқ ошиқ – Мунис қалбига бу афсонавий машҳур ошиқлардан Мажнун энг яқин туради. Уни Мунис кўп жиҳатдан ўзига, ўзини унга ўхшатади.

Гоҳи Мажнун киби Мунис кулармен, гоҳ йиғлармен,
Мени ўз ҳолима қўймас бу даврон инқилоб айлаб.

Бу ҳар икки томонлама ўхшатиш ва яқин тутишга муҳим бир сабаб бор. Чунки Мажнун оташин, самимий, пок қалбли ошиқ бўлиши билан бирга ажойиб шоир ҳам бўлган.

Мунис яшаб ижод этган XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Ўрта Осиёда, шу жумладан Хоразмда феодал истибдод ғоятда кучайган, хонликлар ўртасидаги қонли юришларнинг авж олган, халқ моддий ва маънавий аҳволининг янада оғирлашган даври эди. Бу кайфият ва ҳолат ошиқ – Муниснинг дарду ғами Мажнуну Кўҳканлардан ортиқ бўлганини айтиб шикоят қилишида ярқин намоён бўлади.

Мунисни кўрдию йиғлади Мажнуну Кўҳкан,
Дард аҳли ҳолатидин этар рикқат аҳли дард

Ёки:

Менингча бўлмади Мажнуну Кўҳкан ишқи,
Агарчи ул икидек тоғу тузда топилмас.

Мунис лирикасида тасвирланган Ринд эркинликни, дўстликни, севгини чуқур ҳурмат қилувчи қалби пок, бойликка қизикмайдиган, эркин фикр юритадиган ижобий образдир.

Умуман олганда шоир Муниснинг ғазалларида акс этган илғор ғоялар билан қора кучлар ўртасидаги “бахс”, “кураш” асосида шоирнинг эрк ва адолат учун бўлган интилиши яққол намоён бўлади.

Мунис Хоразмий ҳикматларидан намуналар

Мунис, талаб эт камол – эрурсен чу йигит,
Ким яхшидур этса фазл учун қайғу йигит.
Ўқ қилғон ишни ёй қила билмас ҳаргиз,
Қарилар ила баробар улғайму йигит.

* * *

Жаҳолат шомӣ, ғафлат уйқусидин бўлдим афсурда,
Мани огоҳлиғ субҳи насими бирла бедор эт.

* * *

Хеваки, назокатда гулистони жаҳондур,
Хур каби ҳар тарафда юз офати жондур.

* * *

Халойикқа эйки ғолиблик тиларсен,
Бурунроқ айла ўз нафсингни мағлуб.

* * *

Адолатдин бўлди эл осойиши,
Эл осойиши – мулк оройиши.

* * *

Йиқитмасун мазлумлар кўз ёши бинойи давлатинг,
Қилма зулм, эй шохки, бордур офати девор сув.

* * *

Ғубори нафс руҳ ойнасини доим қилур хира

Они даф айлабон мундин умрга сайқал падидор эт.

* * *

Чаманлар сайриға келгилки фасли навбахор бўлмиш,
Гул боғ янглиғ тоғу сахро лолазор бўлмиш
Муносиб эрмас уйда айламак оромким жаннат,
Ўзаллик чоғида сахро юзидин шармисор бўлмиш.
Хаво Исо домидек рухпарвар гул ҳиди роҳат,
Хушо улким чу Мунис гашт этардин кашф бўлмиш.

* * *

Сабрсизлик таркин тутуб, Мунис, мақом эт дунёдаким,
Фароғат кунни бўлғай то сенга оҳиста-оҳиста.

Билимдонлар беллашуви

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан кўзланган мақсад – Мунис Хоразмий ҳаёти ва ижодини янада кўпроқ ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда китобхонлар дунёқарашини бойитишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаврият ва магистратура йўналиши талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг танланган асарларига ҳамда алоҳида нашрларига, асарларининг таржималарига ва у ҳақидаги илмий ва бадиий асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Мунис Хоразмий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, аниқ ва лўнда жавоб бериши ҳам эътиборга олинади.

1. Мунис Хоразмийнинг тўлиқ исмини айтиб беринг?

(Мунис Хоразмийнинг тўлиқ исми Шермуҳаммад Амир Авазбек ўғли).

2. Мунис Хоразмий қачон ва қаерда туғилган?

(Шермуҳаммад Амир Авазбек ўғли 1778 йили Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида дунёга келган).

3. Мунис Хоразмий қаерда таҳсил олган?

(Мунис Хоразмий дастлабки маълумотни туғилган қишлоғида олган, сўнгра Хива мадрасаларида таҳсил кўрган).

4. У қандай лавозимда ишлаган?

(1800 йилда Мунис Хоразмий саройнинг фармоннавис котиби бўлиб ишлаган).

5. Илк асарларининг номларини айтиб беринг?

(Унинг илк асарлари “Фирдавс ул-иқбол”, “Саводи таълим”дир).

6. Мунис Хоразмий биринчи шеърлар девонини қачон яратган ва унинг номини айтинг?

(Мунис Хоразмий биринчи шеърлар девонини 1804 йилда яратган ва у “Девони Мунис”дир).

7. Мунис Хоразмий Хоразм тарихи нечта бобдан иборат?

(Асар муқаддима, беш бобдан иборат).

8. “Фирдавс ул-иқбол” асарининг хотимасида қандай маълумотлар берилган?

(Асарнинг хотима қисмида олимлар, авлиёлар, амирлар, беклар, шоирлар, хунармандлар ҳақида маълумотлар берилган).

9. Муниснинг асосий адабий мероси девони қачон ва қаерда нашр этилган?

(Муниснинг асосий адабий мероси – “Мунис ул-ушшоқ” 1880 йилда Хива тошбосмасида нашр этилган).

10. Мунисни “Саводи таълим” асари ҳақида нималарни биласиз?

(“Саводи таълим” асари 1804 йил 6 декабрда ниҳоясига етказилган. Унда хаттотлик қоидалари баён этилган).

11. Мунис Мирхонднинг қайси асарини ўзбек тилига таржима қилган?

(1818-1819 йиллари Мунис Шарқ тарихчиси Мирхонднинг умумий тарихга оид машҳур “Равзатус сафо” номли асарининг I томини ва II томнинг биринчи ярмини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган).

12. Шоир ўз шеърларида қандай инсоний фазилатларни тарғиб этди?

(Шоир ўз шеърларида адолат, инсоф, виждон ва бошқа шу каби олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этди.

13. Мунис Хоразмийнинг шогирдлари кимлар?

Огаҳий, Комил, Аваз, Табибий, Баёний каби ўнлаб шоирлар Мунис изидан бордилар).

14. Мунис кўлёзмаларининг асосий қисми қаерда сақланмоқда?

(Мунис кўлёзмаларининг асосий қисми Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондида сақланмоқда).

15. Мунис кимларни ўзига устоз деб билган?

(У Алишер Навоий, Фузулий ва Андалибларни ўзига устоз деб билган).

16. Шоирнинг шеър ва ғазаллари неча байтдан иборат?

(Мунис Хоразмийнинг шеър ва ғазаллари 2308 байтдан иборат).

17. Танланган асарлари нечанчи йилда нашр этилган?

(Муниснинг танланган асарлари 1875 йилда нашр этилган).

18. Мунис Хоразмий қачон ва қаерда вафот этган?

(Мунис Хоразмий 1829 йилда Хуросондан (хоннинг ҳарбий юришидан) қайтишда вабо касали билан вафот этган).

Баҳру-байт беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Беллашувнинг мақсади Мунис Хоразмийнинг ишқ, вафо, садоқат, гўзаллик ва бошқа мавзуларда ёзилган ғазалларига китобхонларнинг қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин китобхонлардан иборат икки гуруҳ тузилади. Гуруҳга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар ва турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқади, сўнгра ҳар бир қатнашувчига рақам берилади. Беллашув қатнашчилари навбат билан ғазалнинг охириги ҳарфидан шеър айтишни давом эттиради. Айтилган ғазал бошқа иштирокчи томонидан такрорланмаслиги керак, агар иштирокчи 30 сонияда ғазални давом эттиролмаса ўша иштирокчи беллашувни тарк этади.

Баҳру-байт беллашуви ўтказиладиган кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Мунис Хоразмий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб-суратли кўргазма ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида баҳру-байтда айтиладиган ғазаллардан намуналар келтирамиз.

Нола қилмон ҳар нечаким ёр бедод айласа,
Айб эрур ишқ аҳли маъшук илгидин дод айласа.

Мен қозормен кўҳи ғам, қилғай эди кўп фахрлар,
Гар бу иш мингдин бирин умрида Фарҳод айласа.

Ҳаймаи нилий аро тузмуш ул ой эл бирла базм,
Тонг эмас оҳим фалак сақфини барбод айласа.....

Арзи ҳусн айладилар гарчи басе ёр манга,
Лек топилмади бир ёри вафодор манга.

Ҳуснига кўз била кўнглум тиламасман маҳрам,
Ким алар доғи бу ишда эрур ағёр манга.

Ошики бедилидурменки, агар дилдорим,
Бордурур ҳар нечук иш қилса сазовор манга...

Айни иноятингдин ҳолимға қил назора,
Ўлмакдамен ғамингдин дардимға айла чора.
Базмимни равшан айла хуршед талъатингдин,
Ким рўзгорим онсиз бўлмишдир асру қора.

Эй дўст, келмагингдин ортар эди муҳаббат,
Не бўлди дўшман ўлдинг жонимға бора-бора....

Алам чекдинг шу ҳусн авжига юзинг офтоб айлаб,
Узоринг зарраси бўлдилар ой, кун изтироб айлаб.

Баҳо қилсанг агар васлингға жоним жавҳарин, эй шўх,
Берурмен бўса юз жониму мингдин бир ҳисоб айлаб.

Эрурлар чашми фаттонинг ажаб хунхораким ҳар дам –
Ичарлар нотавонлар қонини гулгун шароб айлаб.....

Бу янглиғ кўзларимким оқизур ҳажрингда ёшдин сув,
Ажаб эрмас жунун водиси ичра ошса бошдин сув.

Юзинг кўрсам араkreзи ҳаё ҳайрат қилиб дермен,
Қуёш чикса керак эрди судин йўқким, қуёшдин сув.

Ғами ҳажрингда андоғ ҳолатин андоғ дурурким ёғ,
Агар кўрса эриб бағри оқар ҳар лаҳза тошдин сув...

Ваҳки, мендин ишқ аро озурдажонроқ йўқ киши,
Ҳусн аро сендек доғи номехрибонроқ йўқ киши,

Кимга заъфим шиддатим зоҳир қилурмен мунглашиб,
Чун ўзумдек ғам чекардин нотавонроқ йўқ киши.

Сели ашқу ғам йиқибдур жимс ила қўнглим уйин,
Мен киби ушшоқ аро бехонумонроқ йўқ киши....

Истасанг сайр учун, эй дилбари зебо, саҳро,

Кўнглума келки, эрур турфа мусаффо сахро.

Етти сахроға магар файзи баҳори хуснинг,
Ки эрур боғи Эрамдек чаманоро сахро.

Келу сахроға хиром айла баҳор осоким,
Кўкариб сабзалар ўлсун тараб афзо сахро....

Ол ниқобингни, жамолинг ошкоро айлагил,
Олам аҳли кўзларин мавҳи тамошо айлагил.

Сенки, жонлар жонисан, сенсиз ўлукман ҳажр аро,
Кел равон бир дам ҳазин жонимни маъво айлагил

Кўзларин олам элининг тийра қилди шоми ҳажр,
Офтоби оразингни оламоро айлагил....

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда ғазалларнинг маъно ва мазмуни, айтиувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчилар ва шоирлар, адабиётшунослар, журналистлар, санъаткорлар таклиф этилиши мумкин. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади.

Мунис Хоразмий илмий меросининг аҳамияти мавзуидаги китобхонлар конференцияси

Танлаб олинган мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун 1 ой олдин тайёргарлик ишлари бошланади. Бунинг учун аввал кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида, муассасаларда, олий ўқув юртларида, мактабларда, жамоат ташкилотларида эълон ёзилади, таклифномалар юборилади. Конференция учун жой, яъни қироатхона танланади, мавзуга бағишланган адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш айтиш мумкиндир.

Тингловчилардан конференция вақтида мавзу юзасидан туғилган фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференцияга тарихчилар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар конференция ташкилотчилари томонидан таклиф қилинади.

Конференцияни олиб боровчи қўйидаги сўзлар билан очиши мумкин:

Ассалому алайкум конференция иштирокчилари, азиз меҳмонлар! Хоразм заминида яшаб, форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиётига улкан ҳисса қўшган тарихнавис олим, шоир Мунис Хоразмийнинг илмий асарлари оламшумул аҳамиятга эга. Ўзбек адабиёти тарихининг муҳим бир даври Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис ижоди билан боғлиқ. У XIX аср Хоразм адабий муҳитининг бошида турган туғма истеъдод соҳибидир. 2008 йилда Мунис Хоразмий таваллудига 230 йил тўлади. Бугунги конференция олимнинг ҳаёти ва ижоди, адабий мероси, илмий асарлари бўйича фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Конференцияга Мунис Хоразмий ҳаёти ва ижоди ҳақида янада кенгроқ маълумот олиш учун қўйидаги меҳмонларни таклиф этганмиз. *(Маърузачилар билан таништириб ўтилади)*

Ҳозир сўзни филология фанлари номзоди _____га берамиз. Марҳамат.

Олим: Ҳурматли конференция қатнашчилари, азиз китобхонлар! Шермуҳаммад Мунис бадиий ижоди билан кўп жиҳатдан Хоразм адабий муҳитига раванқ бағишлади, ўзбек адабиёти тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олди.

Замондошларимиз қалбидан чуқур жой олган Мунис асарлари ўз давридаёқ юксак шуҳрат қозонган эди. Унинг “Мунис ул-ушшоқ” девони, маърифий-тарбиявий “Саводи-таълим” рисоласи, “Фирдавс ул-икбол” солномаси ҳамда ўзбек тилига ўгирган “Равзат ус-сафо” (Мирхонд) асари билан ўзбек халқи маданияти хазинаси муносиб ҳисса қўшган. Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти билан, хусусан унинг тарихий асарларини ўрганиш соҳасида, қизиқиш анча эрта бошланган. Мунис ҳамма жанрларда муваффақиятли ижод этиш қобилиятига эга

бўлишига қарамай, унинг ижодида ғазал жанри салмоқли ва муҳим ўрин эгаллайди.

Олиб борувчи: Раҳмат домла қизиқарли маърузангиз учун. Сўз навбатини тарихчи _____ га берамиз.

Тарихчи: Мунис тарихнавис олим сифатида Хоразм тарихига оид қимматли “Фирдавс ул-иқбол” номли муҳим тарихий асарини ижод этди. Асарда ўша замон адабий-маданий муҳитини ўрганишда ҳам маълум даражада аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бу тарихий асарга ўзбек насрининг ўзига хос намунаси деб ҳам қараш мумкин. Чунки унда шеърӣ парчалар, турли ривоятлар, халқ мақоллари тез-тез учраб туради. Бу эса унинг адабий моҳиятини оширади. Асарда Хоразмнинг қадимий даври билан бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 йилгача бўлган сиёсий тарихи муфассал баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва шунингдек, Хива хонларининг қўшни туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.

Асарда Хива хонлигининг ижтимоӣ-иқтисодӣ ва маданий ҳаётини ўрганиш бўйича ҳам анчагина маълумотлар бор. Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Россия билан олиб борган дипломатик ва савдо-сотик муносабатлари, хонликдаги суғориш, солиқ, қурилиш ишлари ўша даврда яшаган олимлар, шоирлар ҳаёти, ижоди қаламга олинган.

Шундай қилиб, Шермуҳаммад Мунис Хоразмӣ ўз даврининг истеъдодли шоири, атоқли тарихнавис олими, давлат арбоби ва моҳир таржимони бўлган.

Олиб борувчи: Раҳмат домла қизиқарли ва мазмунли суҳбатингиз учун. Энди сўз навбатини Шермуҳаммад Мунис ижоди бўйича илмӣ иш олиб бораётган тадқиқотчи _____ га берамиз.

Тадқиқотчи: Адабиётшунос олимлардан Н.Маллаев, В.Абдуллаев, Т.Аҳмедовларнинг диссертация, адабий портрет рисолаларида шоир ижодининг тематик доираси, ғоявий йўналиши, бадиӣ эстетик принциплари юзасидан муҳим мулоҳазалар илгари сурилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқӣ аъзоси В.Зоҳидов, филология фанлари

доктори М.Юнусов, таниқли адабиётшунос Р.Мажидий ва Ю.Юсупов Мунисга бағишланган мақолаларида шоир ҳаёти ва ижодиётининг муҳим қирраларини ёритганлар. Шермуҳаммад Мунис ўзбек мумтоз шеърятининг қарийб ҳамма жанрларида қалам тебратган санъаткордир. Мен ҳам ўз илмий ишимда Мунис Хоразмий ижодининг турли қирраларини ўрганаёпман. Илмий изланишларим ва тадқиқотларим натижасида унинг ҳали ҳам ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлари борлигига яна бир қарра амин бўлдим.

Олиб борувчи: Раҳмат. Мунис Хоразмий таваллудинг 230 йиллиги арафасида олиб бораётган илмий ишингизда муваффақиятлар тилайман ва конференцияда муҳим маълумотлар билан қатнашганлигингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Сўз навбатини адабиётшунос олим _____га берамиз.

Адабиётшунос: Шермуҳаммад Муниснинг истеъдодли шоир бўлиб етишувига ижобий таъсир этган омиллардан бири форс-тожик мумтоз адабиётидир. У кўпчилик ғазалларида Абдурахмон Жомий, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий каби ўнлаб форс-тожик мумтозларини устод сифатида тилга олган. Унинг фалсафий дунёқараши бадиий эстетик нуқтаи назарлари ҳамда ижтимоий концепциясида бу улуғ сўз санъаткорларининг изи борлигини яққол сезамиз. Айниқса, буюк Навоий ижодидан жуда кўп нарсалар ўрганганини таъкидлаб, уни ўзига ҳомий деб билади:

Қилса ҳосид даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.

Шу билан бирга, ўзи яшаб турган даврнинг йирик шоири Киромийни ўзига яқин дўст деб билади:

Тонг эмас, Мунис, агар бўлсам Киромий қадрким,
Устоди зоҳиру ботин Киромийдур манга.

Машҳур озарбайжон шоири Фузулийни Мунис ўзининг буюк устозларидан бири деб билади ва уни ҳурмат билан тилга олади. Фузулий ғазаллари Мунисга, биринчидан, ўта бадиий ва равонлиги билан таъсир кўрсатган бўлса. Иккинчидан, ғоявий юксаклиги, унинг қўнглигидаги гапларни топиб айтганлиги

яъни ижтимоий тузумдаги адолатсизлик, зулм ва ситамни журъат билан фош этиши жиҳатидан маъкул тушган.

Мунис Фузулийни жуда кўп, такрор-такрор ўқиган. Хаттоки унинг айрим ғазаллари Фузулий ғазаллари таъсирида вужудга келган. Масалан, Фузулийнинг:

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўх, дўшман қовий, толе забун

Матлаи билан бошланувчи ғазалига Муниснинг ҳам оҳанг асари бор:

Ашк хун, рухсор зарду дил хазин, толеъ қаро,
Дард гуногун, фалак дун, аҳли даврон бевафо

Бу ғазал ўзининг вазни архитектуроникаси, моҳияти жиҳатидан Фузулий ғазалига ўхшаш, хаттоки унда Фузулий иборалари ҳам мавжуд.

Муниснинг бошқа шоирлар ғазлларига боғлаган мухаммаслари бор. Муниснинг Навоий ва Фузулийга боғлаган мухаммасларнинг ўзиданоқ унинг бу соҳада ҳам катталиги кўриниб турибди.

У ўз шеърларини поэтик пухта ишлашга уринди. Унинг шеърлари мазмун эътибори билан ҳаётий, форма жиҳатидан ихчам ва гўзалдир. Шоир жонли тилдаги ибора ва сўзлардан унумли фойдаланиб, бадий соддалик ва фикрий чуқурликка интилади. Мунис ўзбек мумтоз шеърини жанрлари, қофия ва вазн тақомилига катта ҳисса қўшган.

Олиб боровчи: Шермуҳаммад Мунис XIX аср Хоразм адабий ҳаракатчилигининг асосчисидир. Мунисдан кейин ўтган деярли ҳамма хоразмлик қаламкашлар унинг устозлик мавқеини тан олдилар. Мунис Хоразмдаги адабий ҳаракатчиликка янги ғоявий йўналиш берган санъаткордир.

Хурматли конференция қатнашчилари Сизларни Мунис Хоразмий ижодига бағишланган адабиётлар кўргазмасини кўришга ва у билан танишишга таклиф қиламиз.

Адабиётлар

Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари.-Т.: Фан, 1960.-172 б.

Мунис Шермуҳаммад. Саводи таълим: Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма /Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа.-Т.: Ўқитувчи, 1997.-48 б.

Мунис Хоразмий. Сайланма /Нашрга тайёрловчи Ю.Юсупов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти.-1980.-366 б.

Мунис Шермуҳаммад. Танланган асарлар /Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ю.Юсупов.-Т.:Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957.-384 б.

Мунис Хоразмий: [XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган шоир Мунис Шермуҳаммад Авазбек ўғли Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди] – Қуйидаги китобда: “Айёмий”; Ўт чакнаган сатрлар.-Т.-1983.-52-68 б

Жумаев Н. Мунис ғазалиёти: Бадиий маҳорат масалалари.-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти,1991.-160 б.

Аҳмедов Т. Мунис.-Т.:Фан,1980.- 46 б.

Ҳасанов С. Муниснинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари.-Т.:Ўзбекистон,1979.-22 б.

Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси: Олий ва ўрта махсус билим юртлари ҳамда мактаб ўқитувчилари учун тавсия этилган.-Т.: Ўқитувчи,1996.- 304 б.

Ўзбекистон педагогикаси антологияси: Икки жилдлик Ж.1. /Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С. Очил; Таҳрир ҳайъати: М.Хайруллаев ва бошқ.-Т.: Ўқитувчи,1995.-464 б.

Аббосжон Мирзараҳимов. Хоразмда илк нашрлар //Мозийдан садо.-2007.-№1.-Б.40.

Мамадалиева Н. XVII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабий тилида ноанъавий лексиканинг пайдо бўлиши //Илм сарчашмалари.-2007.-№4.-Б.69-70.

Маънавият юлдузлари: Марказий Осиёлик машхур сиймо, аллома, адиблар /Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.Хайруллаев.- Тўлдирилган қайта нашри.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.-2001.-408 б.

Дўсчанова У. Амударё ва Хоразм // Илм сарчашмалари.- 2003.-№4.-Б.38-40.

Ҳикматлар хазинаси / Тўпловчи: М.Азаматов, Луғат ва изоҳлар тузувчи Н. Норкулов.-Т.: Ёш гвардия, 1977.-168 б.

Хоразмий Мунис. Бу замон ичра; Фасли навбаҳор: Шеърлар // Қишлоқ ҳақиқати.-1980.-20 март.

Раҳмонов В. Бадиият мўъжизаси // Гулистон.-2001.-№ 2.-Б. 35.

Раҳимова Н. Эстетик тарбияда пейзажнинг ўрни (Мунис ижоди мисолида) // Илм сарчашмалари.-2007.-№ 2.-Б. 43-46.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 11 май

Бичими 60x84 ¹/₁₆

Ҳажми 2.5 б. т. Нусхаси 300

Буюртма № 53

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 33.